



Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 5 июль, № 136 (7094)

Пайшанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ЭРТАСИНИ ЎЙЛАГАН МАМЛАКАТ ЁШЛАРИНИ ЭЪТИБОРСИЗ ҚОЛДИРМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 4 июль кuni ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлаш, улар учун муносиб шароитлар яратиш, бандлигини таъминлаш масалаларига бағишланган видеоселектор йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раиси, Қонунчилик палатаси Спикери, сиёсий партиялар раҳбарлари, Бош вазир ва унинг ўринбосарлари, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирлик, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Таъкидланганидек, ҳар бир ёш жамиятда шароит топиши учун муносиб ўзюни яратиш кейинги йилларда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналишларидан биридир. Хусусан, “Қамолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати негизига Ўзбекистон Ёшлар иттифоқи ташкил этилди. Ёшлар билан ишлашда янги тизим ва ёндашувлар амалиётга жорий этилмоқда. Мамлакатимизда 30 июнь Ёшлар кuni сифатида биринчи марта кенг нишонланди.

Аммо ёшлар билан ишлашда ҳамон камчиликлар мавжуд. Жумладан, катта мақсадлар билан тузилган Ёшлар иттифоқи ёшлар билан манзилли ва тизимли ишлашга, уларнинг муаммоларини ҳал этишга етарлича эътибор бермаяпти. Ташкилот ўтказаятган айрим тадбирлар дабдабабозлик, ўзини “кўз-кўз” қилишга ўхшаб қоляпти. Жойлардаги 4 сектор раҳбарларининг аксарияти ҳали ёшлар масаласи билан фаол шугулланмаяпти. Ички ишлар идоралари, маҳалла кўмиталари, бошқа жамоатчилик ташкилотлари ва таълим муассасаларининг бу борадаги ишлари қониқарсиз. Туман ва шаҳар ҳокимларининг ёшлар сиёсати, ижтимоий ривожлантириш ва маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосарлари, туман ички ишлар бўлимини бошлигининг ёшлар масалалари бўйича ўринбосарлари жонбозлик кўрсатаяпти, деб бўлмайди. Аксинча, бу масъул лавозимлар айрим ҳолларда вакант бўлиб қолмоқда.

Бунинг оқибатида ёшлар жиноятга қўли уришининг олди олинмаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида содир этилган 17,5 минг жиноятнинг қарийб 31 фоизи ёшлар ҳисобига тўғри келиши бунинг тасдиғидир. Мамлакат бўйича жиноят содир этган 22 минг шахснинг 11 минг нафарини ёшлар ташкил этиб, бу кўрсаткич Андижон, Бухоро, Самарқанд, Фарғона вилоятлари ва

Тошкент шаҳрида, айниқса, юқори-лигича қолмоқда.

Қашқадарё вилоятида жиноят содир этган ёшларнинг 70 фоизини ўқимайдиган ва ишламайдиганлар ташкил этган. Бу кўрсаткич Андижон вилоятида 57, Сурхондарё вилоятида 43, Жиззах вилоятида 42 фоизга тенг.

Афсуски, нафақат уюлмаган ёшлар, балки коллеж ва мактаб ўқувчилари орасида ҳам жиноятларни сезиларли даражада қамайтириш таъминланмаяпти. Жорий йилнинг ўтган даврида жами 371 ўқувчи жиноят содир этган. Коллеж ўқувчилари жиноятлари сони Сирдарё, Жиззах, Наманган ва Самарқанд вилоятларида кескин ошган. Мактаб ўқувчилари жинояти, асосан, Жиззах, Навоий, Бухоро, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Қорақалпоғистон Республикасига тўғри келади.

Хоразм, Андижон, Наманган, Қашқадарё ва Тошкент вилоятларида вояга етмаганлар томонидан қотиллик жиноятлари содир этилгани аянда аянчлидир.

Жорий йилнинг ўтган даврида Тошкент шаҳрида бошқа вилоятлардан келиб, қаровсиз ва назоратсиз юрган 1 700 га яқин вояга етмаганлар аниқланган, уларнинг 500 нафари мактаб ва 670 нафари коллеж ўқувчиларидир.

Шу муносабат билан Ёшлар иттифоқи, Ички ишлар вазирлиги, Бош прокуратура, Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги раҳбарларига ёшлар билан ишлашни такомиллаштириш, қаровсизлик ва назоратсизлиқнинг олдини олиш, улар ўртасида жиноятларни кескин қисқартиришга қаратилган аниқ тақлифлар ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

Айни пайтда ички ишлар идораларида профилактика ҳисобиди турувчи вояга етмаганлар учун ташкил этилаётган “Тарбия-спорт оромгоҳлари” ишини тубдан қайта қўриб чиқиш ва натижадорлигини таъминлашга қаратилган аниқ тадбирлари амалга ошириш зарурлиги таъкидланди.

Ёшлар ўртасидаги муаммолар, жумладан, жиноятчиликнинг илди-зи аксар ҳолларда ишсизликка бориб тақалади. Жойларда ёшларнинг бандлигини таъминлаш борасида жиддий муаммолар мавжуд. 1 700 дан зиёд меҳнат ярмаркала-

ри ўтказилганига қарамай, уларда иштирок этган ёшларнинг атиги 5 фоизигина ишга жойлаштирилгани, сўнгги бир йилда 509 минг нафар ёшлар узоқ муддатга чөл элларга чиқиб кетгани ишга масъулиятсиз ёндашувдан далолат беради.

Ёшларнинг бандлигини таъминлаш бўйича мутлақо янги тизим жорий қилишимиз керак, деди давлатимиз раҳбари.

Айни вақтда ёшларни бизнес билан шугулланишга фаол жалб қилиш учун шароит яратиш, уларни меҳнат бозорига талаб юқори бўлган мутахассислик ва бизнес юртича кўникмаларига ўқитиш бўйича Тошкент вилоятининг Қўйи Чирчиқ тумани ва Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида янги тизим синовдан ўтказилмоқда. Бунинг учун мутаассиди идоралар вакилларида иборат ишчи гуруҳ тузилиб, 14 ёшдан 30 ёшгача бўлган ёшлар тўғрисидаги батафсил маълумотларни ўзида акс эттирган туман паспортлари ишлаб чиқилди.

Қўйи Чирчиқ тумани мисолида оладиган бўлсак, бу ерда ёшларнинг ҳисоботларда кўрсатилганидек 2,5 минг эмас, балки 6,3 мингдан зиёди ишсиз экани аниқланган. Туман ёшларини қийнаб қелаётган муаммоларнинг аксарияти жойида ҳал этилган. Ижтимоий-иқтисодий вазият ва ёшларнинг ижтимоий фаоллигидан келиб чиққан ҳолда, тумандаги 37 та маҳалланинг 13 таси “огир”, 18 таси “қоникарсиз” ва 6 таси “қоникарли” тоифага ажратилиб, уларни босқимчи-босқич “яқши” тоифасига ўтказиш бўйича манзилли ишлар йўлга қўйилган. Жумладан, “Ёшлар меҳнат гузарлари” ташкил этиш учун бино ва ер майдонлари ажратилиб, бўш иш ўринлари ярмаркаси ва бошқа тадбирлар натижасида 1 200 дан зиёд ишсиз ёшларнинг бандлиги таъминланди, тадбиркорлик фаолияти учун ёшларга 2,3 миллиард сўм кредит ажратилди.

Ушбу тажриба асосида Ёшлар кўни арафасида “Ёшлар — келажагимиз” Давлат дастури тасдиқланди ва уни барча туман ва шаҳарларда амалга ошириш бошланди. Дастур ижроси учун Ёшлар иттифоқи ҳузурида “Ёшлар — келажагимиз” жағғармаси ҳамда унинг туман ва шаҳар филиаллари ташкил этилди. Бу тузилма маблағларидан ёшларнинг бизнес лойиҳа-

лари учун йиллик 7 фоиз ставка билан имтиёзли кредит берилади. Дастурда ҳар бир туманда ажратиладиган кредит ҳажми ва уни олувчилар сони, кредит бериладиган фаолият йўналишлари, бунинг натижасида яратилиши зарур бўлган иш ўринлари микдори аниқ белгилаб қўйилган. Шунингдек, ҳар бир фермерга биттадан банд бўлмаган ёшни бириктириш кўзда тутилган.

Давлатимиз раҳбари муваффақиятга эришган ёш тадбиркорлар орасидан 2 ҳафта муддатда Жағғарманинг туман ва шаҳар филиаллари раҳбарларини тайинлаш, Инвестиция ва Ижтимоий масалалар комплексларининг республика ва ҳудудий органлари ҳамда тижорат банклари ходимларининг 30 фоизини лавозими ва иш ҳақини сақлаган ҳолда, янги тузилмага, унинг туман ва шаҳар филиалларига бириктириш лозимлигини таъкидлади.

Дастур ижросини самарали мувофиқлаштириб бориш учун Бош вазирга Ёшлар тадбиркорлигини ривожлантириш бўйича республика комиссияси аъзоларини ҳар бир ҳудудга шахсан масъул этиб бириктириш ҳамда улар бошчилигида давлат идоралари, жамоат ташкилотлари раҳбар ходимлари ва вилоят прокурорларидан иборат таркибда ишчи гуруҳлар ташкил этиш вазифаси топширилди.

Ҳокимлар ва сектор раҳбарлари ҳар ҳафта камида икки кун уюлмаган, ҳеч қачон ишламайдиган ёшлар билан учрашиб, уларнинг муаммоларини ўрганиши, энг аввало, бандлигини таъминлаш чораларини қўриши лозимлиги қайд этилди.

Йиғилишда ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларни турли оқимлар ва ёт гоғлар таъсиридан асраш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Бунинг учун ёшлар билан маънавий-маърифий йўналишдаги ишларни янада жонлантириш, уларни музей, театр ва бошқа маданий-маънавий масканлар, спорт мусобақалари, илм-фан, спорт ва амалий санъат тўғрақларига фаол жалб этиш орқали бўш вақтини мазмунли ўтказишни ташкил этиш зарур.

Фарзанд тарбияси ва юриштиришдан огоҳ бўлмасак, уларни илму ҳунарга ўргатмасак, қўзи меҳнатда қотмас, муносиб иш топиб бермасак, уларни зарарли таъсирлардан ҳимоя қилиш қийин бўлади, деди Президентимиз.

Шундан келиб чиққан ҳолда Ёшлар иттифоқи, Республика Маънавият ва маърифат маркази, Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва

истикболли кадрларни тайёрлаш институтига ёшларни маънан баркамол этиб тарбиялаш, уларда мафкуравий иммунитетни шакллантириш ва ёт гоғлар таъсирига тушиб қолишининг олдини олишга қаратилган таъсирчан, амалий чоратадбирларни ишлаб чиқиш топширилди.

Йиғилишда ушбу долзарб ишга сенаторлар, Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашлар депутатларини фаол жалб этиш зарурлиги алоҳида таъкидланди. Зотан, халқ вакиллари сифатида депутатлар корпуси ёшлар келажаги учун ҳаммадан ҳам кўпроқ жон қўйдириши лозим. Улар жойларда сиёсий партияларнинг ёшлар қанотлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, амалий учрашув ва тадбирлар орқали мазкур Дастур ижросини таъминлашда фаол иштирок этиши, ҳудудларда фаолият олиб борадиган ишчи гуруҳларга амалий ёрдам кўрсатиши зарур.

Вояга етмаган қизлар ўртасида эрта турмуш ва туғуруқлар сони кўпайгани билан боғлиқ муаммолар ҳам муҳокама қилинди. Афсуски, эрта турмуш қўриш ва ажрашиш муаммолари бўйича жойларда факатгина ота-оналарни айбдор қилиш билан чекланиш ҳоллари кузатиломқда. Аслида бўлар иш бўлганидан кейин эмас, балки салбий ҳолатларни юзага келтирмаслик учун олдиндан манзилли ишлаш тизимини жорий этиш керак.

Шу муносабат билан Хотин-қизлар кўмитаси, “Оила” илмий-амалий тадқиқот маркази, Фўқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари кенгаши, Соғлиқни сақлаш, Халқ таълими вазирликларида бу йўналишдаги ишларни танқидий қайта қўриб чиқиш ва таъсирчан чора-тадбирларни белгилаш вазифаси топширилди.

Видеоселекторда мутасадди ва жойлардаги раҳбарлар жам бўлгани боис айни кўнлардаги яна бир долзарб масала — фўза парвариси билан боғлиқ чора-тадбирларга ҳам тўхталиб ўтилди.

Бу йил об-ҳавонинг қуруқ ва салқин келиши сабабли фўза ривожига 10-15 кўнга, баъзи жойларда 20-25 кўнга кечиккани қайд этилди. Фўза парварлишдаги қолоқликни бартараф этиш, қафолатланган ҳосил яратиш бўйича кўрсатмалар берилди.

Йиғилишда 5 июлдан 5 сентябрга қадар “Ҳосилга-ҳосил қўиш долзарб икки ойлиги” эълон қилинди. Бу борада амалга оширилиши зарур бўлган ишлар белгилаб олинди.

Ў.А.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚОЗОҒИСТОНГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоевнинг тақлифига биноан 2018 йил 5-6 июль кўнлари Остона шаҳрининг 20 йиллигига бағишланган тантаналарда иштирок этади.

Давлатимиз раҳбарининг Қозоғистонга ташрифи доирасида икки томонлама учрашувлар ўтказилиши ҳам кўзда тутилган.

Ў.А.

ДУНЁ НИГОҲИ



Geopolitical Monitor

Тараққиёт сари дадил одимлар

Канаданинг “Geopoliticalmonitor Intelligence Corp” корпорациясига тегишли Geopoliticalmonitor.com таҳлилий порталида Ўзбекистон ички ва ташқи сиёсатидаги тенденцияларга бағишланган мақола чоп этилди.

Муаллиф, таниқли эксперт Александр Санчез сўнгги йилларда республиканинг ташқи дунё билан алоқаларида сезиларли ўзгаришлар юз бераётганини эътироф этади. “32 миллиондан ортиқ аҳоли истикомат қиладиган Ўзбекистон олтин, нефть ва газ сингари табиий ресурсларга бой. Шу билан бирга, бу ерда қайта ишлаш саноати ҳам тараққий толган. Мамлакат яқли ички маҳсулоти изчил ўсиш суръатларини намоен қилмоқда”, дейилади мақолада.

Таҳлилчининг фикрича, расмий Тошкент янгиланган ташқи сиёсати туфайли халқаро ҳамжамиятдаги қиёфасини мутлақо замонавий шаклда ўзгартиряпти.

“Сиёсий маҳбۇсларнинг озод қилиниши, мажбурий ва болалар меҳнатини бартараф этиш ҳамда сўз эркинлигининг таъминланиши билан боғлиқ амалга оширилган чора-тадбирлар, шу жумладан, “Америка овози” радиоси сингари оммавий ахборот воситалари ҳамда Ўзбекистонда ишлаш учун аккредитация берилиши дунё жамоатчилиги томонидан олқишланди.

Канадалик эксперт ўзбек дипломатиясининг фаоллиги ортганини эътироф этади. Бунга мисол қилиб, Ўзбекистон ташаббуси билан жорий йил марта ойида Қозоғистоннинг Остона шаҳрида бўлиб ўтган Марказий Осиё давлатлари раҳбарлари йиғилиши ҳамда Тошкентда ўтказилган Афғонистон бўйича йирик халқаро конференция эслатиб ўтилади. Материалда Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш юзасидан режаларига юксак баҳо берилиб, ушбу қарор мамлакат иқтисодиётининг “соғломлашуви ва либераллашуви”га хизмат қилиши таъкидланади.

“Яқин йилларда республика саноатининг модернизацияси, тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш суръатларининг ортиши, бизнес юртиши ва инвестициялар киритиши ни осонлаштирувчи қатор янги қонунлар қабул қилиниши кутилаётди, — дея қайд этади мутахассис. — Умуман айтганда, ўзбек дипломатияси мамлакатни изчил тараққиётга етаклайди”.

Анвор МИРЗАЕВ
(«Халқ сўзи») тайёрлади.

Фахр

БМТнинг Халқаро тижорат ҳуқуқи бўйича комиссиясининг жорий йил май ойида бўлган ишчи гуруҳ йиғилиши ва июнь ойида бўлиб ўтган 51-сессиясига ўзбек қизи Феруза Бобоқуллова делегат сифатида тақлиф этилди.



Ўзбек қизи илк мартаба БМТ комиссиясида қатнашди

Феруза Тошкент шаҳридаги Халқаро Вестминстер университети ўқитувчиси. Комиссия йиғилишларида Ўзбекистон Республикасининг ҳалигача биронта ҳам делегат иштирок этмаган эди. Феруза Бобоқуллова БМТ комиссиясида Ўзбекистон Республикасининг илк вакили сифатида иштирок этди. Шунингдек, у жорий йил 21 июнда Халқаро савдо палатаси қошидаги Халқаро тижорат арбитраж судининг Бутунжаҳон кенгашида суд аъзоси этиб тайинланди.

Болалигидан фаол бўлган Феруза Америка Қўшма Штатлари Техас штати Олней юқори мактабини имтиёзли диплом ва “Техас

олими 2006” махсус медали билан битириб, Тошкент Халқаро Вестминстер университетининг тижорат ҳуқуқи йўналишини ҳам имтиёзли диплом билан тугатган. Феруза университет талабаларига “Халқаро тижорат арбитражи”, “Бизнес ҳуқуқи” ва “Буюк Британия жиноят ҳуқуқи” фанларидан дарс беради. “Халқаро тижорат арбитражи” ва “Буюк Британия жиноят ҳуқуқи” фанларини ишлаб чиққан, шунингдек, кафедра ўқув дастурига киритишдаги ва иш фаолиятидаги изланишлари ҳам қасбдошлари орасида юксак эътирофга сазавор бўлган.

Дилфуза СОБИРОВА.

Президент ташрифидан сўнг...

Президент Шавкат Мирзиёев жорий йил 29 июнь кўни Тошкент шаҳри ва пойтахт туманлари ҳокимлари, мутасадди раҳбарлар иштирокида Олмазор туманида ўтказилган йиғилишда қатор долзарб масалалар бўйича аниқ вазифалар белгилаб, тегишли топшириқ ва кўрсатмалар берган эди.

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАДИ

Олмазор тумани ҳокимлигида Халқ депутатлари туман Кенгаши депутатлари, ҳокимлик мутасаддилари, фаоллар, маҳалла оқсоқоллари, имом-хатиблар, таълим муассасалари раҳбарлари иштирокида йиғилиш ўтказилиб, давлатимиз раҳбари белгилаб берган вазифаларнинг ижроси юзасидан ҳаракатлар режаси ишлаб чиқилди, маҳаллалар фаолиятини ўрганиш бўйича ишчи гуруҳлар тузилди. Уларга маҳалла аҳли билан мулоқотга киришиш, ихобий тажрибани ўрганиш, мавжуд муаммоларни аниқлаш вазифалари топширилди.

Сенаторлар томонидан туман Кенгаши билан алоқаларни мустаҳкамлаш, депутатларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимларини янада юксалтириш, депутатлик назоратини амалга ошириш бўйича амалий кўникмаларни мустаҳкамлашга қаратилган бевосита мулоқотлар олиб бориломқда.

Оммавий ахборот воситалари имкониятларидан фойдаланган ҳолда, 58 маҳалла

оқсоқолларининг аҳоли яшаш жойларини обод масканга айлантириш борасида қилинаётган ишлар, маҳаллалардаги камчиликлар ва муаммоларни ҳал қилиш йўллари, одамларнинг дунё-қараш, бугунги ислохотларга дахлдорлик туйғусини ошириш, сувдан оқилона фойдаланиш, тўйлар, оилавий тантаналарни ихчам, камхарж, ортиқча дабдабасиз ўтказиш бўйича фикр-мулоҳазалари мтабвот ва телевидение орқали кенг ёритилди.

Мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш, ишла-маётган корхоналар фаолиятини тиклаш, янгиларини ташкил этиш, тадбиркорлик ва хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантириш ҳисобидан янги иш ўринларини яратиш, жумладан, инвестиция ва технологиялар жалб қилиш, туман ҳудудида 15 минг аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича 4 та сектор кесимидаги дастурларни ҳаётга татбиқ этиш масалалари муҳокама қилинмоқда.

(Давоми 2-бетда).



ИМПОРТ 30 ФОИЗ ҚИСҚАРИБ, ЭКСПОРТ 4 БАРОБАР ОШАДИ



Экспорт тараққиёт кўзгуси, таъбир жоиз бўлса, ривожланиш барометридир. Инвесторлар хорижий давлатларга сармоя киритишдан аввал унинг экспорт салоҳиятига жиддий эътибор қаратишининг боиси ҳам шунда. Импорт-чи? Халқона қилиб айтганда, бировнинг қозонига кўз тикиб ўтиришининг ўзгинаси. Шунинг учун мамлакатимизда экспортни рағбатлантириш, бу борада қўшимча қўлайлик ва имтиёзлар бериш бўйича кенг қўламли ишлар олиб бориляпти.

ДОЛЗАРБ МАВЗУ

Натижада ташқи бозорга маҳсулот етказиб бериш ҳажми ортмоқда. Шу билан бирга, импорт кўрсаткичлари ҳам ортиб бораётгани са-

ноат тармоқларида маҳаллаштириш қўламини кенгайтиришни такозо этаётир. Президентимиз раислигида шу йил 29 май кўни бўлиб

ўтган видеоселектор йиғилишида экспорт-импорт масаласи муҳокама қилиниб, импортни оптималлаштириш ишлари мутлақо қониқарсиз

аҳволда экани жиддий танқид қилингани ҳам беҳиз эмас. Чўчки жорий йилнинг 4 ойи мобайнида мамлакатимиз бўйича товарлар импорти 4 миллиард 858 миллион долларни ташкил этиб, 2017 йилнинг шу давридагига нисбатан 1,1 миллиард доллар, бошқача қилиб айтганда, 30 фоиз ошган. Бунинг сабаби нимада?

(Давоми 3-бетда).



Сайловчилар ишончини оклаш, электорат манфаатлари ҳимояси — фаолиятимизнинг бош мезони

Юртимизда сиёсий партиялар самарали фаолият олиб бориши учун барча шароит яратилган. Миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, барқарор миллий ривожланишни таъминлашни бош мақсад қилиб олган Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси бу имкониятлардан фойдаланган ҳолда, ўз фаолиятини янгича асосда ташкил этмокда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 12 июлдаги Олий Мажлис палаталари, сиёсий партиялар ҳамда Ўзбекистон экологик ҳаракати вакиллари билан учрашувдаги маърузасидан сўнг партиямиз фаолиятида ҳам туб ўзгаришлар амалга оширилди, ишлар танқидий-таҳлилий қайта қўриб чиқилиб, янги мезонлар асосида йўлга қўйилмокда.

ДЕПУТАТ МИНБАРИ

Партия сайловолди платформасининг маънавий-маърифий, иқтисодий йўналишларидаги дастурий мақсад-вазифалари ижросига алоҳида эътибор қаратилаётди. Мамлакатимизда маънавий ислохотларни амалга ошириш, кадриятларимизни асраб-авайлаш, иқтисодиётда туризмнинг ўрнини ошириш масалаларида партия ташаббуслар билан чиқмокда. Натижада аҳолининг партияга бўлган хай-рихоҳлиги ортиб, 5 700 дан зиёд бошланғич партия ташкилотлари 200 мингдан ортиқ аъзолар бирашди.

Маълумки, Ўртабшумиз маърузасида ҳар бир сиёсий партия томонидан ўзининг дастурий йўналишларидан келиб чиқиб, парламент ва депутатлик назоратини амалга оширувчи давлат органларини белгиллаб олиши юзасидан кўрсатмалар берилган эди. Шундан келиб чиқиб, партиямиз томонидан Маданият вазирлиги ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорлик меморандумлари имзоланиб, чора-тадбирлар белгиллаб олинди. Унга асосан ҳамкорларимиз кўмағида "Маданият тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ҳамда "Туризм тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонуни янги таҳрирда тайёрланмокда.

Бугунги кунда мамлакатимиздаги мавжуд маданий мерос объектларини асраб қолиш ва тарихий ёдгорликларни реконструкция қилиш, таъмирлаш ва консервациялаш, улар чегараларини ва муҳофаза ҳудудларини белгиллаш, кадастр рўйхатидан ўтказиш каби вазифалар партиямиз олдида турган муҳим вазифалардан-дир. Шунини инобатга олиб, партиямиз Маданият вазирлиги билан бир-галикда ҳудудлардаги маданий мерос объектлари ҳолатини ўрганди. Натижада 5500 дан ортиқ моддий маданий мерос объектлари ҳақида ҳудудлар кесимида фото материаллар ҳамда улар ҳолатига доир маълумотлар йиғилиб, Вазирлар Маҳкамаси, Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Маданият вазирлигига тақдим қилинди.

Ҳар бир соҳа муваффақияти, албатта, етук кадрларга боғлиқ. Партия ҳамда Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлиги доирасида туризм соҳаси учун кадрларни тайёрловчи олий ва ўрта махсус таълим муассалари ўқув жараёни ва ўқув дастурлари билан танишиш, уларни тақомиллаштириш мақсадида таълим муассасаларида очиқ мулоқот ҳамда ўрганишлар ўтказилди.

Ўтган даврда фракциямизнинг қонун ижодкорлиги, қонун лойиҳалари ташаббуси фаолиятида ҳам муҳим ўзгаришлар кузатилди. Партия сайловолди платформаси ижросига ва электорат манфаатлари ҳимояси-

га хизмат қилувчи учта қонун лойиҳаси — юртимизда энергетик ичимликларни ишлаб чиқариш, истеъмол қилиш ва сотишни чеклаш бўйича "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва

Худудларда аҳолининг ижтимоий ҳолати, иқтисодий шароити билан яқиндан танишиш, мавжуд муаммоларини тизимли таҳлил этиш ҳамда амалий ёрдам беришга қаратилган «Йўма-уй» лойиҳаси доирасида **11 450** та хонадонларга ташриф буюрилди. Натижада **31 640** нафдор ёшнинг муаммолари аниқланди. Шундан **1 198** нафдор ёш ишга жойлаштирилди, **1 136** таси иш ўринларига тавсия этилди, **150** дан зиёд ёшларга **1,4 млрд. сўм** имтиёзли кредит олишига кўмак берилди.

Ўзгаришлар киритиш тўғрисида", "Жамоат жойларида чилим ва электр сигареталар чекишни чеклаш тўғрисида" ҳамда "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш ҳақида"ги қонун лойиҳалари партия фракцияси аъзоларининг қонунчилик ташаббуси асосида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси муҳокамасига киритилди. Умуман, 9 та қонун лойиҳасида ташаббускор бўлди.

Парламент томонидан қабул қилинган қонунлар мазмун-моҳиятини аҳолига етказиш, муҳим ижтимоий, социал-иқтисодий аҳамиятга эга қонун лойиҳаларини иккинчи ўқишга тайёрлаш жараёнида ҳудудларда фуқаролар, партия гуруҳлари аъзолари билан кенг муҳокама қилиш, қонун лойиҳаларини янада тақомиллаштириш юзасидан тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш мақсадида партиямизда "марказ — вилоят — туман" тартибиде ишлайдиган янги тизим жорий этилди. Унга асосан, 4 та қонун лойиҳаси бўйича жами 210 та тақлиф ишлаб чиқилиб, тақдим этилди.

Фракция аъзолари ишчи гуруҳ билан биргаликда 64 та туман ва шаҳарларда бўлишди. Соғлиқни сақлаш соҳасидаги ишларнинг самардорлигини оширишга, фуқаролар малака-лиги тиббиёт хизматларидан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлашга қаратил-

ган чора-тадбирлар натижасида 1 847 та масала аниқланиб, шундан 638 таси жойида ҳал этилди. Шу билан бирга, фракция аъзолари ҳар ойда ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий аҳволини тизимли ўрганишлар натижасида 316 та давлат органи, 418 та тадбиркорлик субъекти, 473 та ижтимоий соҳа объекти, 367 та маҳалла фуқаролар йиғини ҳамда 3 642 та хонадон, жами 5 280 та объектлардаги бугунги реал ижтимоий-иқтисодий ҳолат билан яқиндан танишилиб, таҳлил қилинди.

Ўтган давр мобайнида фракция аъзолари сайловчилар ва фуқаролардан келаётган муурожаатлар асосида ҳийлардаги вазият, электорат қайфиятдан хабардор бўлиб, мавжуд муаммолар ва улар ечими бўйича тегишли ташкилотларга 27 та депутатлик сўрови буюрилди, 21 масала ижобий ҳал этилди.

Партиямизнинг дастурий мақсад

ва вазифаларини самарали амалга ошириш, партия электорати манфаатларини ишончли ҳимоя қилишда партияимиздан халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайланган депутатлар фаолияти алоҳида аҳамиятга молик. Айни кунда партиядан ҳудудий ва маҳаллий вакиллик органларига сайланган 1 132 нафдор депутат фаолият кўрсатмокда. Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ҳудудлардаги ижтимоий-иқтисодий масалаларни ҳал қилиш, ижро етувчи ҳокимият органлари фаолияти устидан депутатлик назоратини олиб бориш, ҳайларда қонунлар, Президент қарорлари ижроси устидан самарали депутатлик

Бугун замон шиддат билан ривожланиб бормокда. Ён-атрофда, қўшни мамлакатлар ва дунёда содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар суръати шу қадар тезлашмокдаки, замон билан ҳамнафас бўлиш барчамиздан катта масъулият, теозкорлик ва ўз ичимизни сидқидилдан адо этишни талаб этади. Шундай экан, эришилган натижалар билан қийофяланиб қолмасдан, сайловчилар ишончини оқлаш, электорат манфаатларини ҳимоя қилиш ва белгиллаб олган вазифаларимизни амалга оширишда барча даражадаги партия ташкилотлари ва депутатлик корпуси ишини янада жонлантириш фаолиятимизнинг бош мезонига айланмоғи керак.

Сарвар ОТАМУРАТОВ,
ЎзМТДП Марказий кенгаши раиси,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари.

Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади



Мақсад — халққа хизмат қиладиган қонунлар яратиш

Бугун дунёда 200 га яқин парламент фаолият юрताди. Уларнинг муштарак мақсади бор — аввало, халқ манфаатларига хизмат қиладиган қонунларни қабул қилиш.

Замонавий дунё бу сиёсий тузилма зиммасига яна бир жиддий масъулиятни қўймокдаки, ҳукумат томонидан тақлиф этилган давлат бюджет ва унинг ижроси устидан назорат ўтказишда парламентнинг ролини кучайтириш. Хўш, бу вазифа миллий парламентимиз томонидан қай даражада удаланмокда? Айниқса, миллий дастурларни амалга ошириш ва барқарор тараққиёт мақсадларига эришишда парламент назорати механизмларидан фойдаланилганими?

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ташкил этилган тадбирда шу масалалар атрофлича муҳокама қилинди. Парламент қуйи палатаси Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитаси, "Тараққиёт стратегияси" маркази, БМТ Тараққиёт дастури ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида ташкил этилган давра суҳбати миллий парламент салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш ва назорат механизмларини кучайтириш масалаларига бағишланди.

Бахс-мунозаралар давомда мутахассислар ва со-

ҳанинг халқаро экспертлари парламент қандай қилиб барқарор тараққиёт мақсадларига эришиш билан боғлиқ комплекс жараёнлар ва сиёсий тизимларга жалб қилиниши мумкинлигига эътибор қаратди.

— БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида 30 июнни Халқаро парламентаризм куни деб эълон қилиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган, — дейди БМТДД нинг Ўзбекистондаги доимий вакили Хелена Фрейзер. — Ушбу сананинг танланиши бежиз эмас. 1889 йил айнан шу куни Парижда биринчи Парламентларо конференция ўтказилиб, унда 178 давлат парламентлари Парламентларо иттифоққа асос солишган. Мазкур қарор билан БМТ Бош Ассамблеяси парламентлар аъзоларини барқарор тараққиёт соҳасида аниқ натижаларга эришиш учун амалга оширилаётган ислохотларда янада фаол иштирок этишга қорлашни кўзда тутди. Бугун Ўзбекистон парламенти ҳам тубдан ўзгарди. Халқ билан тўғридан-тўғри мулоқот йўлга қўйилгани қабул қилинаётган қонунларнинг ҳаётийлигини ошириш, уларнинг самарали ижросини таъминлашга хизмат қилаёт-

гани билан аҳамиятлидир.

Тадбирда парламентаризм ривожининг асосий йўналишлари, халқаро муносабатларнинг барқарорлигини таъминлашда парламент дипломатияси ролига оид фикр-мулоҳазалар билдирилди. Айниқса, қонунлар қабул қилиш, уларнинг жойлардаги ижроси устидан ҳам самарали назорат-таҳлил фаолиятини йўлга қўйиш ҳусусида таҳлилий фикрлар ўртага ташланди.

— Тўғри, бугунги кунда парламентимизнинг бюджет ижроси устидан назоратини кучайтириш мақсадида жуда кўп ишлар қилинмокда, — дейди Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти директор ўринбосари Дониёр Тўраев. — Институтиимизда ҳам худди шу мақсадда таҳлилий бўлим ўз ишини бошлади. Аввало, бюджет ишлаб чиқилишидан бошлаб барча жараёнга таҳлилий-танқидий ёндашувни йўлга қўймокдамиз. Чўнки депутатлар унинг ишлаб чиқилишидан бошлаб хабардор бўлсагина, ижроси устидан тўғри назоратни амалга ошира олади. Олдимизга қўйилган асосий вазифалардан бири ҳам шу.

Тадбир якунида мутахассисларнинг соҳани янги босқичга кўтариш юзасидан тақлифлари умумлаштирилиб, тегишли тавсиялар ишлаб чиқилди.

Мунисхон КАРИМОВА.

БЕЛГИЛАНГАН ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ТАЪМИНЛАНАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Шунингдек, Олмазор туманининг иқтисодий имкониятлари батафсил ўрганилиб, ишга солинмаган заҳиралар, хусусан, бўш турган бинолар инвентаризациядан ўтказилмокда, улардан нима сабабдан фойдаланилмаётгани аниқланмокда.

Маҳаллалардаги экологик вазият, ҳудуд тозаллиги ва мавжуд сув тармокларининг ҳолати билан ҳам яқиндан танишиб боришмокда. Бу борада аниқланган камчиликларни бартараф этиш бўйича мутасадди тузилмалар ҳамда аҳолига зарур кўрсатма, тақлиф ва тавсиялар берилмокда.

Олмазор туманининг янги маркази — «Olmazor city»ни барпо этиш масаласи ҳам халқ вакилларининг диққат марказидадир.

Қисқача айтганда, Олмазор туманида Президентимиз томонидан белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш учун кенг жамоатчилик, депутатлар, сенаторлар билан ёқадан бош чиқариб амалий ишларни бошлаб юборди.

Толибжон МАДУМАРОВ,
Олий Мажлис Сенатининг
Маҳаллий ҳокимият
вакиллик органлари фаолиятини
кучайтиришга кўмаклашувчи
комиссияси раиси.

Медиацация — низоларни судгача ҳал этишнинг самарали усули

Мамлакатимизда бозор иқтисодиётига асосланган муносабатлар ривожланиб бора экан, бозор муносабатларининг субъектлари ўртасида турли низолар юзага келиши ҳам турган гап. Амалиёт оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқаётган низоли ҳолатлар ҳам кам эмаслигини кўрсатмокда. Бу каби низолашаётган тарафлар масаланинг ечимини топиш мақсадида аънавий йўлни танлашга, яъни судга муурожаат қилишларига тўғри келади.

Янги қонун

Ҳозирги кунда ривожланган хорижий давлатлар ҳуқуқий тизимида низоли судгача олиб бормасдан, муқоабил йўл билан ҳал қилишга қаратилган медиацация — яраштирув процедураси алоҳида аҳамият касб этмокда. Ўзбекистонда ҳам чинакам бозор механизмларининг жорий қилиниши ҳар бир соҳанинг тартибга солувчи зарур ҳуқуқий замин яратилишини талаб қилади.

2019 йилнинг январидан бошлаб амалиётга таътибқ этиладиган Ўзбекистон Республикасининг "Медиацация тўғрисида"ги Қонуни муомалага медиацация оид янги тушунчаларни олиб кириши барибарабди, жамият ҳаётининг яна бир соҳасини ҳуқуқий жаҳатдан тартибга соладиган бўлди. Айни пайтда Ўзбекистон низоларни ҳал қилишнинг муқоабил усули, медиацациядан фойдаланишнинг дастлабки босқичида турибди.

Хўш, юртимизда медиацация қандай қўринишларда намоён бўлади? Унинг асосий принциплари ҳамда афзалликлари нимадан иборат? Медиацация жамиятнинг қўндалик ҳаётида қўлланилишига қандай омиллар таъсир қила-

ди? Медиацация ривожланиши учун шароит етарлими?

Бугунги кунда мамлакатимизда медиацацияга ўхшаш яраштирув процедуралари турли низоларни ҳал этишда қўлланилиб келинади. Жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан низолашаётган тарафларни, хусусан, қўшнилар ўртасидаги, оилавий низоларни яраштириш фаолиятини ҳам медиацация намоёни сифатида кўриш мумкин. Жамиятимизда аввалдан маҳалла раислари қўшнилар, оила аъзолари, эр-хотин ўртасидаги низоларни ҳал этиш вазифасини, яъни медиатор вазифасини бажаришган.

Қонунда унинг амал қилиш соҳаси ҳам аниқ белгиллаб қўйилди. Унга кўра, қонун фуқаролик ҳуқуқий муносабатлар, жумладан, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш муносабати билан келиб чиқадиган, шунингдек, яқна меҳнат низолари ва оилавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низоларга медиацацияни қўллаш билан боғлиқ муносабатларга нисбатан амал қилиши белгиланди. Ўз навбатида, Қонун медиацация иштирок этмаётган учинчи

шахсларнинг ҳуқуқлари, қонуний ҳақда ижтимоий манфаатларига дахл қиладиган ёки дахл қилиши мумкин бўлган низоларга нисбатан амал қилишга истисно тариқасида берилди.

Қонуннинг 5-моддасида медиацация маҳфийлик, ихтиёрийлик, тарафларнинг ҳамкорлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислиги принциплари асосида амалга оширилиши белгиланди.

Маҳфийлик принципини таъминлаш учун медиацация иштирокчилари медиацация жараёнида ўзларига маълум бўлиб қолган ахборотларни, ушбу маълумотларни тақдим этган медиацация тарафининг, унинг ҳуқуқий ворисининг ёки вақилининг ёзма розилигисиз ошқор қилишга ҳақли эмаслиги ҳақида қатъий норма киритилди.

Ихтиёрийлик принципи ҳам алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, медиацация тарафларнинг низоли медиацацияни қўллаш тўғрисидаги келишув-ида ифодаланган ўзаро ихтиёрий хоҳиш-истаги бўлган тақдирда қўлланилиши, медиацация тарафлари медиацацияни қўллашдан унинг истал-

ган пайтида воз кечишга ҳақли эканлиги қонунда ўз ифодасини топди.

Шу билан бирга, медиацация жараёнида уларнинг тенг ҳуқуқчилигини таъминлаш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада аниқ нормалар киритилди.

Яна бир муҳим жиҳат. Медиацация тартиб-таомилларини амалга оширишда медиаторнинг ҳолислигини таъминлаш ҳам низоли ҳал қилиш жараёнига ўз таъсирини ўтказди. Қонунда медиацация тартиб-таомилларини амалга оширишда медиаторнинг фаолиятига бирор-бир тарзда аралашаишга йўл қўйилмаслиги қатъий кўрсатиб ўтилди. Шу билан бирга, медиатор ҳолис бўлиши, медиацация тартиб-таомилларини тарафларнинг манфаатларини қўзлаб амалга ошириши ва медиацацияда уларнинг тенг иштирокини таъминлаш, тарафларга ўз мажбуриятларини бажариши ҳамда ўзларига берилган ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиши кераклиги, медиаторнинг мустақиллиги ва ҳолислигига тўсқинлик қиладиган ҳолатлар мавжуд бўлган тақдирда, у медиацация тартиб-таомилларини амалга оширишдан воз кечиши кераклиги кўзда тутилди.

Медиацация жараёниларининг тўғри ташкил этилиши тарафлар низолашишини тўхтатиб, яқинлашши процесси томон йўналтиради, яъни ярашув битимини тузишга

имкон яратади. Ушбу афзалликлар амалиётга медиацация институтини киритиш, муқоабил йўллар ёрдамида низоларни судгача ҳал қилиш тартибини кенг таътибқ қилиш вақти келди, деб ҳисоблашга асослар етарли эканлигини кўрсатади.

Ўз навбатида, "Медиацация тўғрисида"ги Қонун қучга киргунга қадар низоларни судгача ҳал қилиши тартибга солувчи амалдаги қонунчиликни қайтадан қўриб чиқиш талаб этилади. Жумладан, "Медиацация тўғрисида"ги Қонун нормалари ишлашини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси, Фуқаролик процессуал кодекси, Иқтисодий процессуал кодекси, Солиқ кодекси, "Ҳақамлик судлари тўғрисида"ги Қонуналрга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш зарурати туғилди.

Умуман, кеча матбуотда эълон қилинган "Медиацация тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши низоларни судгача ҳал қилиш соҳасида юзага келадиган муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишининг тизимли ва комплекслигини таъминлаб, низоларни судгача ҳал қилишни амалга оширишда самарали ташкилий-ҳуқуқий механизмларни яратди.

Шухрат ПОЛБАНОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

АНЖУМАН

Айни пайтда "дрон", "учувчисиз қурилма" атамаларига тез-тез дуч келялмиз. Чиндан ҳам, техника ва технологиялар шиддат билан ривожланаётган ҳозирги даврда бундай ишланмалар ҳаётимизга тобора чуқур кириб келмокда. Улардан тиббиёт, мудофаа, қишлоқ ҳўжалиги, қутқарув, қидирув хизматларида кенг фойдаланилмокда.

Учувчисиз учиш қурилмаларидан қимлар фойдаланади?

Шу ўринда савол туғилди: ушбу мосламаларни ҳамма ҳам ишлатиши мумкинми? Уларни юртимизга олиб кириш тартиби қандай? Ўзбекистон Республикаси Парвозлар хавфсизлигини назорат қилиш давлат инспекцияси томонидан ташкил этилган матбуот анжуманида шундай саволлар атрофидан сўз юритилди.

Халқаро тақрибадан маълумки учувчисиз қурилмаларнинг оммалашини хавфсизлик нуктаи назаридан бир қатор хавотирларни юзага чиқармокда. Хусусан, уларнинг қўлаши натижасида одамлар хабарланиши, таққиланган ҳудудларга кириши, самолётлар парвозига халақит бериши ёки ўрилиши каби ҳолатлар учрайди.

Ўзбекистон Республикаси Ҳаво кодексида кўра, юртимизда учувчисиз қурилмалардан фойдаланиш факатини Мудофаа вазирлигининг Ҳаво ҳудудидан фойдаланиш бошқарувининг ягона тизими томонидан берилган рухсатнома орқали амалга оширилади.

— Бугунги кундаги энг муҳим масалалардан бири бу ҳаво ҳудудларидан санкциясиз фойдаланишидир, — дейди "Дававианазорат" инспекция бошқарма бошлиғи Тоҳир Назаров. — Шундан келиб чиқиб айтганда, бу борада аҳолига тушунча бериш айни мудоаодир. Чўнки бу ҳақда аксарият фуқароларимиз етарли маълумотга эга эмас. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 26 ноябрдаги қарорига асосан, 2015 йил 1 январидан бошлаб, Ўзбекистон ҳудудига учувчисиз аппаратларни олиб кириш, фойдаланиш ва сотиш тақиқланган. Бундан алоҳида рухсат берилган ташкилотлар мустасно, албатта. Лекин, шунга қарамасдан, кейинги пайтда бундай қурилмалардан фойдаланиш, олиб киришда ноқонуний ҳолатлар кўпайиб кетганди.

Шунингдек, ҳукуматимизнинг 2016 йил 31 августдаги қарори асосида Ўзбекистон Республикаси фуқаро ва давлат авиациясида учувчисиз учиш қурилмаларини

эксплуатация қилиш тартиблари ишлаб чиқилган. Ўтган йили эса қонунчилигимизга ўзгариш ва қўшимчалар киритилиб, ҳаво ҳудудидан санкциясиз фойдаланганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликлар белгиланди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон дунё

миқёсида учувчисиз учиш аппаратларидан фойдаланиш тартибга солган илк давлатлар сирасига киради. Айни пайтда бунга аксарият давлатлар жиддий киришмокда. Негаки, бундай қурилмалар нихоятда кўп. Назорат қилиш эса мушкул.

Ҳозирги кунда Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мултимедиа маркази, Ўзбекистон Республикасининг Маданият вазирлигининг Маданий мерос объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш илмий-ишлаб чиқариш боз бошқармиси, "Ўзшаҳар-созлик ЛИТИ" давлат унитар корхонаси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, "Ўзбекосизковқатхолдинг" қўмақчиси, Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси республикамизга учувчисиз учиш қурилмаларини олиб кириш ҳамда фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭКСПЛЮЗИВ ИНТЕРВЬЮ

Юртдошимиз, ортопед-жарроҳ Жолдас Қулжанов беш маротаба АҚШнинг энг яхши шифокори, деб эътироф этилган. Нукус шаҳрида туғилиб, Самарқанд давлат тиббиёт институтини тамомлаган мутахас-сис ҳозирда Сент-Луис университети клиникасида бўлим раҳбари. Профессор ҳар йили АҚШ ва дунёнинг бошқа давлатларида 700 дан ортиқ мураккаб операцияларни ўтказadi. У Ўзбекистон Президентининг хорижда меҳнат қилаётган шифокорларга қилган муурожаатига биринчи-лардан бўлиб жавоб берди ҳамда ўзининг бой тажрибаси ва билимига таяниб, мамлакатимизда тиббиёт ривожи йўлида хизмат қилмоқда.

Ўтган йил куздан буён Қулжанов уч марта республикамызда бўлди ва ўзи билан бирга дунёга номи чиққан америкалик шифокорларни олиб келди. Тошкент, Самарқанд ва Бухорода юзлаб беморлар учун хайрия жарроҳлик амалиётлари, маслаҳат ва кўриқлар, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Американинг етакчи клиникалари ўрта-сида имзоланган ҳамкорлик меморан-думлари — буларнинг барчаси ушбу саъй-ҳаракатлар, таширфлар натижаси-дир. Кунчи кеча амалга оширилган ана шундай таширфлардан бири давомида биз Жолдас Муродович билан респу-блика соғлиқни сақлаш тизимини модер-низация қилиш йўлидаги ҳамкорлик истикболлари ҳақида суҳбатлашишга муваффақ бўлдик.

— Шу йил май ойида Ўзбеки-стон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг АҚШга таширфи чоғида сиз давлатимиз раҳбари билан учрадингиз. Ушбу мулоқотдан олган таассурот-ларингиз қандай?

— Мен Ўзбекистонда туғилиб ўсдим, таълим олдим, бу бетакор заминни ҳамиша чуқур миннатдорлик туйғулари билан эслайман. Тақдир тақозоси би-лан чет элга бордим ва ишлаб юриб-ман, аммо қалбим доим ўз Ватанимда. Президент Шавкат Мирзиёевнинг дадил ташаббуслари қисқа вақт ичида мамла-катда жуда кўплаб ижобий ўзгаришлар-га туртки бўлди ва бу ислохотларни бу-тун дунё гапирмоқда. Хорижда яшовчи ватандошларнинг бирлашиши, давлат раҳбарининг юртга қайтиш ва тиббиёт ҳамда бошқа соҳалар тараққиёти учун ёрдам бериш ҳақидаги қақирғи юрак-ларини жунбушга келтирди, ҳаммани илҳомлантириб юборди.

Ўзбекистон Президентни билан учра-шиш — менинг ҳаётимда жуда муҳим воқеа. Бу мулоқот қисқа, аммо мазмун-ли бўлди. Республиканинг соғлиқни сақ-лаш соҳасини янги босқичга олиб чи-қишда ўзбек ҳамкасбларим қатори ел-кама-елка туриб, ўз тажрибам билан иштирақ этишдан бошим осмонда.

Бир неча йил аввал хорижда ишлай-диган ватандошларга муносабат бош-қача эди. Бироқ бир вақтлар бўлиб ўтган гапларни унутиш ва келажақ ҳақида ўйлаш керак.

— 2017 йил октябрдан буён Ўзбекистоннинг кўплаб тиббий му-ассасаларида бўлдингиз, ҳамкасбларингиз ва беморлар би-лан мулоқот қилдингиз, Соғлиқни сақлаш вазирлиги мутасаддилари

билан бир неча марта учрашдин-гиз. Соҳада юз бераётган ўзга-ришларга қандай изох берган бўлардингиз?

— Дикқатни тортадиган асосий нар-са, бу тиббиёт ҳодимларининг кўзида чақнаган ўт, уларнинг касбий ўсишга бўлган интилиши. Буни Ўзбекистонга биз билан бирга келган америкалик ҳам-касблар, таниқли шифокорлар, профес-сорлар ҳам қайд этди. Президентнинг қарор ва фармонлари асосида Соғлиқ-ни сақлаш вазирлиги шошилинч тиббий ёрдам, ихтисослашган таълим йўналиш-ларида катта лойиҳалар ишлаб чиқмоқ-да. Ўзбекистонлик шифокорларнинг хорижга тажриба алмашиш учун сафарлари кўпайди.

Кишлоқ врачлик пунктлари ва оила-вий поликлиникалар ишини такомиллаш-тириш бўйича ислохотларни кўлаб-қув-ватлайман. Турли тиббий хизматлар, их-тисослашган марказлар ва уларнинг бўлимчаларини техник жиҳозлаш бора-сида ҳам ижобий ўзгаришлар кузатил-моқда. Фикримча, энди тиббий таълим, соғлиқни сақлаш тизимининг ўзини туд-дан янгилаш, бу соҳаларни халқаро ме-зонлар даражасига олиб чиқиш вақти келди. Бу ҳақда биз Соғлиқни сақлаш вазирлиги раҳбарияти билан бир неча бор гаплашдик. Ўзбекистонда туғилиб, хорижда меҳнат қилаётган бошқа ҳам-касбларим сингари мен ҳам бу масала-ларда бажонидил қўлимдан келганча ёрдам бераман.

— Яқин келажақда АҚШ ва бошқа ривожланган мамлакатлар соғлиқни сақлаш тизимидаги қандай илгор жиҳатлар Ўзбеки-стонда қўлланилиши мумкин?

— Мен ва ҳамкасбим — Калифорния-даги “Альварардо” клиникиси нейроби-зиологи, “Альянс Нейромониторинг” ком-панияси асосчиси Алишер Азамовда

қўшни мамлакатларнинг тиббиёт соҳа-сини модернизация қилиш борасида муайян тажриба бор. Тиббий амалиёт-ни шифохонага ётишгача бўлган ва ши-foxонадаги босқичларга ажратиш мум-кин. Бутун собик Иттифок мамлакатла-ри каби Марказий Осиёда ҳам мазкур босқичларнинг биринчиси оқсамокда. Бу босқич беморни шифокорга олиб бо-риш ёки тиббиёт ҳодимининг бемор ёнига келиши билан боғлиқ. Ўзбекис-тонда шифокор “тез ёрдам” машинаси-га ўтиради-да, бемор олдига ўзи етиб боради. АҚШда эса парамедиклар, тиб-

кор бир кеча-кундузда 120 — 130 ка-салга хизмат қилади. АҚШда эса қабул бўлимидаги 2 нафар шифокор 24 соат ичида 160 — 180 беморга ёрдам бера олади. Қозоғистонда АҚШдан келган му-тахассисларнинг услубий раҳбарлигида қабул бўлимлари фаолиятига янгилик-лар жорий қилинди, кадрлар тайёрлаш учун махсус кафедралар очилди. Ши-фокорлар билда — Сент-Луис уни-верситетида малака оширилди. Бизнинг фикримизча, шифохонага қадар бўлган босқичга илгор янгиликлар олиб кириш Ўзбекистон учун ҳам жуда фойдалидир.


босари билан учрашувда бу муаммо му-ҳокама қилинди. Биз АҚШ ва бошқа дав-латлар тажрибаси ҳақида вазирликка кенг қамровли маълумот тақдим этиши-ми мумкин. Тиббиёт сугуртасининг икки хил шакли — британ ва америка тизим-лари оммалашган. Биринчиси, ижтимо-ий сугурта шаклида бўлиб, давлат суб-сидиялари билан кўлаб-қувватланади. Иккинчиси эса хусусий сугурта шакли-да. Хар иккисининг ўзига яраша афзал-лик томони ва камчиликлари бор. Шу боис, бу тизимларни батафсил ўрганиб чиқиш ва Ўзбекистонда маҳаллий ўзига

ма яратиш мақсадга мувофик, деб ҳисоблайман. Бугунги кун шифокори жуда чуқур би-лимларни эгаллаган бўлиши, ўз устида муттасил ишлаши лозим. Чет тилари-ни, хусусан, инглиз тилини ўрганмай ту-риб эса бунинг илоҳи йўқ. Ўзбекистон-да тиббиёт кадрларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш жараёнида ушбу омил-га алоҳида эътибор қаратилиши лозим. Чунки аксари илгор тиббий адабиётлар инглиз тилида нашр қилинади-да. Бу тилни яхши ўзлаштириш турли мамла-катлардаги анжуманларда қатнашиш, бутун дунёдан келган ҳамкасблар би-лан тажриба алмашиш имконини бера-ди. Хорижий тилларни яхши билган му-тахассисларга эга тиббиёт муассасала-ри соҳанинг турли йўналишлари бўйича халқаро уюшмаларга аъзо бўлиш ва ҳам-корлик қилишда қийинчиликка дуч кел-майди. Бундай ҳамкорлик, ўз навбати-да, ҳамisha замон билан ҳамнафас бўлишга ёрдам беради.

Мутахассисларга таълим бериш ва уларни қайта тайёрлаш борасида икки-та йўл бор. Талабалар ва шифокорлар-нинг малакасини ошириш мақсадида чет давлатларга юбориш ёки маърузалар ўқиш, очиқ жарроҳлик амалиётлари ва маҳорат дарслари ўтиш учун тиббиёти ривожланган мамлакатлардан етакчи му-тахассисларни таклиф қилиш ҳам му-мкин. Шу таразда, камроқ маблаг сарф-лаган ҳолда, кўпроқ тингловчиларни қамраб олса бўлади. Тошкент, Бухоро, Самарқандда юриб, биз жуда катта пул-ларга тиббий жиҳозлар олиб келинга-ни, аммо мазкур замонавий усқуналар-да ишлай оладиган мутахассислар етишмаётганига ғувоҳ бўлдик. Ҳамкасб-лар билан биргаликда биз АҚШ ва бо-шқа давлатлардан номдор олимлар-ни жалб қилишда кўмаклашамиз. Шахсан ўз ўзбекистонлик шифокор-ларнинг тажрибасини ошириш йўлида бор билимимни ишга солишга тайёрман.

Президент хорижда ишлайдиган шифокор ватандошларимизга мууро-жаат қилгач, ўтган йил январь ойи-дан буён ўз соҳасида етакчилик қилаётган юздан зиёд профессео-нал мутахассислар ушбу таклифни қабул қилдилар. 90 нафардан ортиқ шифокорлар ўз Ватанига қайтиб келди ва тиббиёт муассасаларида инсонлар ҳаётини қутқариш, тўплан-ган илгор тажрибани амалда қўллашга бел боғлаган. Қолганлари эса, Жолдас Қулжанов сингари АҚШ, Россия, Корея Республикаси ва бошқа кўплаб мамлакатларнинг машҳур клиникалари ва илмий мар-казлари билан узоқ муддатли ҳам-корлик алоқаларини ўрнатишга ёрдам берапти. Бутун дунёга таржаб кетган, юрт тақдирига хайрихоҳ ва-тандошларни ўзида бирлаштирган “Буюк келажақ” ташкилотининг экспертлар кенгашига кирган ёш, хорижда муваффақият қозонган шифокорларимиз ҳам оз эмас.

Зулфия ИБРАГИМОВА суҳбатлашди.



Бюрократия ва коррупцияга қарши муҳим қадам

Аммо шу жараёнда ҳар хил қийинчилик, ўз номи билан айт-ганда, турли бюрократик тўсиқ-лар, коррупция ёки исмингиз ва шарифингизни хато билан ёзиш каби ҳолатларга дуч келсангиз, ўзингизни қандай эси этасиз? Аслида бундай ҳолатга бошқа кўплаб юртдошларимиз қатори-да сиз ҳам умрингиз давомида, бир бор бўлса-да, дуч келгансиз. Шундай эмасми? Бундай нохуш ҳолатлар аслида соҳанинг ҳуқуқий асослари яратилмагани-ли билан бевосита боғлиқ. Ушбу зарурат туйфайли жорий йил 12 июнда давлатимиз раҳбари томонидан “Фуқаролик ҳолати далолатномаларини қайд этиш тизимини янада такомиллашти-риш чора-тадбирлари тўғриси-да”ги қарор имзоланди.

Халқаро пресс-клубнинг нав-батдаги сессияси шу ҳужжатнинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳамда соҳадаги мавжуд муаммо ва камчиликларни ҳал этиш масалаларига бағишланди. Унда таъкидланганидек, қарорда асосий эътибор соҳада аҳолига самарали хизмат кўрсатиш ме-ханизмини яратишга қаратилиб, бу борада тўқсинлик қилаётган қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлиги кўрсатиб ўтилди. Шу-нингдек, фуқаролар ҳуқуқ ва ман-фаатлари ҳимоясида ФХДЁ органлари роли ва аҳамиятини ошириш ҳамда аҳолига ҳўрсати-лаётган давлат хизматлари си-фатини яхшилаш борасидаги давлат сисёатининг асосий йўна-лишлари белгилаб берилди.

Жумладан, ФХДЁ органлари-нинг оила институтини мустах-камлаш, ёшларни оилавий ҳаёт-га тайёрлаш ва ажратиш ҳолат-ларининг олдини олиш бўйича комплекс чора-тадбирларда фаол қатнашиш, аҳолига текозор ра-вишда архив маълумоти ва ах-боротларни олиш имкониятини берувчи фуқаролик ҳолати ягона

Шундай бир идора борки, инсон туғилишдан тортиб то вафотигача бўлган ораликдаги кўплаб муҳим воқеалар шу ерда қайд этиб борилади. Аллақачон бу идора ФХДЁ эканлигини англаб олдингиз. Дейлик, туғилиш, ўлим, никоҳ тузиш ёки никоҳни бекор қилиш каби фуқаролик ҳолатлари далолатномалари мазкур идора томонидан расмийлаштирилади.

электрон архивини шаклланти-риш кўзда тутилган.

Шунингдек, туманлар (шаҳар-лар) ҳокимлари бошчилигида худудий комиссиялар ташкил эти-лади. Бундан қўзланган мақсад “Биронта ҳам бола қайд этилма-дан қолмаслиги керак” ҳамда “Ту-ғилганлигини қайд этилиши — бола ҳуқуқлари рўёбга чиқарили-ши ва фуқаролик бўлмаслигининг олдини олишнинг ҳуқуқий асоси-дир”, деган ғоялар ҳамият ҳаёти-да мустаҳкам қарор топишини таъминлашдан иборатдир.

Адлия вазирининг ўринбосари Акбар Тошқуловнинг таъкидлаши-ча, шу пайтгача ФХДЁ органла-рида туғилиш, ўлим ёки никоҳни қайд этишда шунчаки расмият-чилик нуктаи назаридан ёндашув устуникли қилиб келади. Аксинча, ҳар бир ҳужжат ортида инсон тақ-дири ётганлигини ҳисобга олиб ёндашилса, нур устига нур бўлади. Шу билан бирга, қорғозбоз-лик ҳолатлари жудаям кўп. Қарор билан ана шундай салбий ҳолат-ларга барҳам берилади ва ФХДЁ юртдошларимиз учун очиқ ва шаффоф идорага айланади.

— Бугунги кунда мамлакатимиз бўйича 60 миллиондан зиёд да-лолатнома ҳужжатлари бор, — дейди Давлат хизматлари агент-лиги бошқарма бошлиғи Илхом Абдусатторов. — Шуларнинг жуда оз қисми фуқаролик ҳолати яго-на электрон архивига киритил-ганлигининг ўзиёқ олдимизда катта вазифалар турганидан дарақ беради.

Тадбирда қарордан келиб чиқадиган муҳим вазифалар, ҳу-сусан, ФХДЁ органлари фаолия-ти билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш, умуман, аҳолига қўрсати-лаётган давлат хизматлари си-фатини яхшилаш ва самарадор-лигини ошириш юзасидан таклиф ва тавсиялар билдирилди.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ИМПОРТ 30 ФОИЗ ҚИСҚАРИБ, ЭКСПОРТ 4 БАРОБАР ОШАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Экспертларнинг фикрича, бу импорт таркибини ўрганиш ва им-портни оптималлаштириш бўйича ишлар етарли даражада ташкил этилмагани оқибатидир. Айни пайтда шу каби салбий ҳолатлар-нинг олдини олиш, маҳаллийлаш-тириш даражасини ошириш орқа-ли импортни камайтириш бўйича амалий чора-тадбирлар қўриляп-ти. Кеча Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган “Миллий махсулотлар ишлаб чиқариш жараёнида маҳаллий хом ашё ресурсларидан самарали фойдаланишнинг долзарб масала-лари: “Ўзэлтхсаноат” акциядор-лик компанияси корхоналари ми-солида” мавзуйдаги кўргазмали семинар ҳам айни шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масала-лари қўмитаси, “Миллий тикланиш” демократик партиясининг Қонунчи-лик палатасидаги фракцияси би-лан ҳамкорликда ташкил этилган мазкур тадбирда сўзга чиққанлар

қайд этганидек, ички бозорни электротехника ва маиший жиҳоз-лар билан тўлдириш, экспортни кўпайтиришда “Ўзэлтхсаноат” АК тизимидаги 70 та корхонанинг муносиб ҳиссаси бор. Улар томо-нидан 2 мингдан зиёд кабелъ-сим, 50 дан ортиқ электротехника, 30 дан кўпроқ турдаги маиший техника буюмлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилган.

Бирок юртимизда электротехни-ка саноатининг хом ашё базаси етарли даражада шаклланмагани туйфайли тармоқ корхоналарининг зарур хом ашё ва бутловчи буюм-ларга бўлган эҳтиёжини ички ресурслар билан таъминлашнинг имкони йўқ. Бу эса, ўз навбатида, республикамызда ишлаб чиқарил-майдиган хом ашёлар четдан олиб келинишига сабаб бўлмоқда.

— 2017 йили тизим корхонала-ри томонидан умумий қиймат 244,7 миллион АҚШ долларлик, жорий йилининг январь — май ой-ларида эса 103,7 миллион дол-ларлик хом ашё ва бутловчи қисм-лар импорт қилинди, — дейди “Ўзэлтхсаноат” акциядорлик



Хосен ПАЙДОЕВ оғлан суратлов.

компанияси бошқаруви раиси вазифасини бажарувчи Алишер Абдуллаев. — Табиийки, бунинг учун катта маблаг сарфланади, унга яна логистика харажатлари ҳам қўшилиб, охир-оқибат махсу-лот таннариҳига “ўтиради”. Бу эса унинг рақобатдошлирига салбий таъсир кўрсатади. Шунга қарамас-

дан, тегишли корхона ва ташки-лотлар билан ҳамкорликда импор-тни оптималлаштиришга доир аник чора-тадбирлар қўрилмакда. Бунинг самараси ўлароқ, шу йили импортни 30 фоиз қисқартириш, маиший техникалар экспортни эса 4 баробар оширишни олдимиз-га бош мақсад қилиб қўйганмиз.

Соди РАҲМОНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚЎМИТАЛАРИ ВА ИДОРАЛАР ТОМОНИДАН ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ ТЎҒРИСИДА 2018 ЙИЛ 14 МАЙДАН 19 МАЙГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТНИ ХАБАР ҚИЛАДИ.

- I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:
1. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 23 апрелдаги 22-сон “Тиббий ихтисослашувнинг тегишли турини амалга ошириш учун зарур бўлган моддий-техник база, асбоб-усқуналар ва бошқа техник воситалар, шу жумладан тиббий техникага энг аам талабаларнинг 2-иловасига ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги буйруғи.
 2. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 27 апрелдаги 14-қ/к, 88-сон “Ҳодимлар сонини тартибга солиш ва бошқарув таркибини таъминлаш учун харажатларни мақбуллаш бўйича нор-матив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисидаги қарорга ўзгатириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қарори.
 3. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазир-лигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20, 10-ққ-сон “Мактабгача таълим муассасала-рида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофа-за қилишни ташкил этиш тартиби тўғриси-даги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.
 4. Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазир-лигининг 2018 йил 30 апрелдаги 20/1, 10-ққ/1-сон “Мактабгача таълим муассасала-рида болаларнинг ҳаёти ва соғлиғини муҳофа-за қилишни ташкил этиш тартиби тўғриси-даги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги қарори.
 5. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агент-лиги директорининг 2018 йил 1 майдаги 180-сон “Давлат харидлари соҳасидаги ши-коятларни кўриб чиқиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.
 6. Ўзбекистон Республикаси молия вази-рининг 2018 йил 4 апрелдаги 70-сон “Мудо-фаа мажмуи ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари муассасалари ва ташкилотлари-нинг бюджет харажатлари ва бошқа маҳдий характерга эга бўлган бюджет харажат-ларнинг газна ижроси тартиби ҳақидаги ни-зоми тасдиқлаш тўғрисида”ги буйруққа ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”-ги буйруғи.
 7. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелда-ги 14/16-сон “Ўзбекистон Республикаси банк муассасаларига кириб-чиқиш тартибини таш-кил этиш қоидаларини тасдиқлаш тўғриси-

8. Ўзбекистон Республикаси адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 14 апрелда-ги 14/1-сон “Ўзбекистон Республикаси Мар-казий банкнинг эски намунадаги 50 ва 100 сўмлик тангаларини, шунингдек 50, 100, 200 ва 500 сўмлик банкнотларини айирбошлаш ҳамда муомаладан қайтариб олиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқ-лаш ҳақида”ги қарори.
10. Ўзбекистон Республикаси адлия вази-рининг 2018 йил 19 майдаги 288-мх-сон “Идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжати давлат реестридан чиқариш тўғрисида”ги буйруғи.
11. Ўзбекистон Республикаси Молия вази-рлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Давлат солиқ қўми-

12. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
14. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
15. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
16. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
17. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
18. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
19. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
20. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
21. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
22. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
23. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
24. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
25. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
26. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
27. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
28. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
29. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
30. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
31. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 йил 15 майдаги 286-мх-сон “Давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий давлат ҳокимияти органларида қонун ҳужжа-тларининг туркумлаштирилган ҳисобини юри-тиш қоидаларига ўзгартиришлар ва қўшим-ча киритиш ҳақида”ги буйруғи.
32. Ўзбекистон Республикаси Адлия вази-рининг 2018 й

БОҶИЙ СЎЗ СОҶИБИ

Президентимизнинг шу йил 13 мартдаги “Буюк қозоқ шоири ва мутафаккири Абай Қўнонбоев ижодий меросини кенг ўрганиш ва тарғиб қилиш тўғрисида”ги қарори нафақат улуғ оқин ижоди ва хотирасига ҳурмат-эҳтиром, балки юртимизда адабиёт ҳамда маънавият ривожига яна бир эътибор ифодаси бўлди.

МАЪНАВИЯТ

Шоирнинг шеърлари, “Насихатлар”и, “Масъуд”, “Искандар” каби дostonларида умуминсоний фазилатлар, ахлоқий, фалсафий ғоялар чуқур талқин этилган. Теран дидактик руҳ устувор. Халқ қуйларини севган Абайнинг ўзи ҳам ўланларида халқона услубда бир қатор қуйлар басталаганки, шоир яратган 27 та куй қозоқ мусика меросининг олтин хазинасидан жой олган.

Буюк оқин ҳаёт ва ижод машаққатини бирдай кўтариб яшаган интилган. Жумладан, 1895 йили Петербургдаги ҳарбий мактабда ўқиб юрган истеъдодли ўғли Абдурахмон бевақт вафот этади. Қаттиқ қайғуга ботган полков ота жигарбандини янги йилга менгаб, ўзини эса эски йилга қийслаб, рамзий маънода оргикли байт ёзган:

**Янги йилнинг боши эди,
Мен эскининг сўнги эдим.**

1904 йили шоирнинг яна бир сеvimли ўғли Мағавия ҳам оламдан ўтади. Оилада рўй берган бу фожиали йўқотишлар сабаб тўшака михланиб қолган, табиблар назоратидан, олам ва одамлардан воз кечиб, “Юрагим менинг қирқ

ямоқ, Хиёнаткор оламдан” дея оҳ чеккан Абай 1904 йилнинг 23 июлида вафот этади. Аммо улуғ оқиндан ўзи бир шеърда куч, умид, ишонч билан “Авлодимга сўз қолсин” деб ёзганидек, ибратомуз сўз, ўлану насихатлар, таржима-

Абай «Кўклам» шеърда «Куёш ва Ер» афсонасининг мазмунини маҳорат билан сингдириб юборганини кўраимиз: «Гўё Куёш Ерга ошиқ бўлиб, уни кўп севар эмиш, у Ер атрофида ўртаниб куяр эмиш, Ошиқ Куёш олтин чодирига кириб, тун бўйи Ер висолига кўз тутар эмиш. Саҳарда кучоқ очиб, севгани — Ерни муҳаббат оловида ўртар эмиш».

лар ёдгор бўлиб қолди. Унинг ушбу бебаҳо меросини дунё халқлари ўқиб-ўрганмоқда.

Ижодкорнинг ўзи ҳам Шарқ ва жаҳон адабиётини қизиқиб мутолаа қилган, ўз халқини бебаҳо сўз

санъати дурдоналаридан баҳраманд этиш мақсадида қатор таржималар қилган эди. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис”да “Малик ул-калом” деб шарафлаган Абулқосим Фирдавсий ижоди билан Абай мадраса таҳсили даврида яқиндан танишади ва бу унинг ижодида етарли таъсир этади. Ўзининг эътирофига кўра, у “Шоҳнома”ни ўқиб-ўрганган. Хусусан, бу муаззам асардаги “Ақл васфи” номли дастлабки боб таъсири Абайнинг шеър, дoston, насихатларида яққол сезилади. Ҳатто бир шеърда оқинларга қарата “Оқинларга ялинаман ақлга кир”, деган мувожаатини ҳам кўраимиз. Шоирнинг “Сезгиси чуқур ҳамда ақли борга, Бари аниқ кўринар ўйлаганда”, “Ақлли қора қилни қирққа бўлар, Хар нарсага ўзидай баҳо берар”, “Уч нарсга одамзоднинг хосияти, Зўр гайрат, ёрқин ақл, илиқ юрак” каби байтларида комиллиги хислатлар боши бўлмиш ақлнинг поэтик талқинини кўраимиз.

Абай барча сўз санъаткорлари қатори халқ оғзаки ижодидан бой маънавий озиқ олган. Унинг ижодида бундай адабий таъсир Шарқ халқлари мақоллари ва афсоналаридан унумли фойдаланишида яққол сезила-

ди. Хусусан, мақол адибнинг шеър ва насрий асарларида кенг қўлланган бўлиб, ҳар икки турда ҳам у ирсоли масал санъатининг гўзал намуналарини яратган. “Минг кун синмас, бир кун синар кўза”, “Ота билан олишган — одам эмас”, “Бир тўйсанг — чала бойлик”, “Бир Худодан бошқанинг бари ўзгарар”, “Кўк Тангри давлати”, “Ўзингда йўқ бўлса, отанг ҳам душман”, “Еган оғиз уялар”, “Эрнинг моли элда, хоҳлаганда кўлда”, “Ишнинг омади — ўз вақти”, “Дўсти йўқ билан сирлаш, дўсти кўп билан сийлаш”, “Яхшига яқин бўл, ёмондан йироқ” каби сатрларида бу яққол намоён бўлган. У “Насихатлар” асарининг “Учинчи сўз”ида фольклоршунос, элшунос сифатида “Иши билан эмас, кишиси билан улуг”, деган машҳур мақолни сайлов жараёни мисолида шарҳласа, “Ўттиз етинчи сўз”да мақолга яқин руҳни берувчи 20 та ўғит жойлаган. Шу ўринда мутафаккир адибнинг насихатга йўғрилган, халқ шеърлари оҳангида ёзилган баъзи мақолнамо байтларида қулоқ тутайлик:

**Хунари бор ҳеч кимга қарам бўлмас,
Эринчак ҳеч қачон ҳам одам бўлмас.**

Ёки:

**Қасам урган қувардан нари юргин,
Тиниб оқмас сувлардан нари юргин.**

Абай ижодида қўлланган афсоналарни қуйдагича талқин қилишимиз мумкин: биринчидан, афсоналарнинг маълум бир илдиз-

лари асосида у “Масъуд” ва “Искандар” дostonларини яратган, иккинчидан, у гўё афсоналарни шеърларининг мазмун-мундарижасига сочиб юборган. Жумладан, Абай тўртта фаслга бағишлаб туркум шеърлар ёзган. Улар орасида саҳро баҳорини тараннум этган “Кўклам” (1890) шеъри алоҳида аҳамиятга эга. Оқин ушбу шеърда Чингизтоғ этакларига кириб келган кўклам нафасини бор бўйи билан тасвирлар, бетакорор чизгилар яратар экан, шеър мазмунига машҳур “Куёш ва Ер” афсонасининг мазмунини ҳам маҳорат билан сингдириб юборганини кўраимиз. Чунончи: “Гўё Куёш Ерга ошиқ бўлиб, уни кўп севар эмиш, у Ер атрофида ўртаниб куяр эмиш, Ошиқ Куёш олтин чодирига кириб, тун бўйи Ер висолига кўз тутар эмиш. Саҳарда кучоқ очиб, севгани — Ерни муҳаббат оловида ўртар эмиш”. Бу — биринчи лавҳа. Иккинчи лавҳада эса “Куёшга ошиқ Ер ҳам қиш бўйи Куёшни муштоқлик билан излар эмиш, уни кутавериб сочлари оқарар эмиш, гўё қишда ерни қор босар эмиш”. Мазкур мисралар ўқувчининг бадиий тафаккурини юксалтиради, маънавиятини, маърифатини бойлатади.

Ижодкорнинг шеърлари, ўланлари, дostonлари, ҳикматлари унинг оламга ва авлодларга умуминсоний ғоялар тараннум этилган самимий, айна пайтда боқий сўзларни айта олганидан далолатдир.

**Буробия РАЖАБОВА,
филология фанлари номзоди.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

«Zamin Eko Agro» корхонаси галладан бўшаган майдонларга экиш учун «NS SEME» (Сербия) компаниясида ишлаб чиқарилган сифатли ва серхосил маккажўхори ҳамда кунгабоқар уруғларини тақдир қилади:

Маккажўхори — NS 205 F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 90 кун. Хосилдорлиги — 10 т/га.

Кунгабоқар — Душко F1. Эртапишар дурагай. Вегетация даври — 80 — 90 кун. Хосилдорлиги — 3-4 т/га.

Уруғлар синондан ўтган, сертификатланган ва Давлат реестрига киритилган.

Муваффақият уруғларини экинг...

zeal

«ZAMIN EKO AGRO»
Тошкент ш. М-39 автомагистрალი,
тел.: (+99897) 130-51-21, 755-02-55,
факс: (+99871) 150-15-89.
www.zeal.uz

QISHLOQQURILISHBANK

Замонавий
Қулай
Тезкор

Depozit Banking

«DEPOZIT BANKING»
инновацион дастури — ҳаммасини
мобиль телефон орқали бошқарасиз!

МАЗКУР ХИЗМАТДАН ФОЙДАЛАНИБ:

- ✓ муддати келган омонатни амалдаги бошқа омонат турларига масофадан қайта расмийлаштириш;
- ✓ масофадан омонат ҳисоб рақамлари очиш;
- ✓ мавжуд омонат ҳисоб рақамлари қолдиқларини назорат қилиб бориш;
- ✓ омонат ҳисоб рақамини ёпиш ва маблағ қолдиғини тегишли ҳисоб рақамларига ўтказиш;
- ✓ муддати келган омонатлар бўйича банк филиалидан автоматик тарзда SMS-хабарнома қабул қилиб бориш;
- ✓ банк пластик карточкасидан омонатларга маблағ қўйиш мумкин.

«Қишлоқ қурилиш банк» — фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-93-39, 150-72-58.

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган.

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 745. 78 728 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни қўлаб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:

Девонхона (0-371) 233-52-55;

Котибият (0-371) 233-10-28; Ўзлонлар (0-371) 232-11-15.



Тахриратта келган қўлазмалар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг сўзлаб берилиши учун обунали расмийлаштирилган таъкилот жаобгар.

Газета тахрират компьютер марказида термиди ҳамда оператор Ж. Тоғас томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.20 Топширилди — 01.20 1 2 3 4 5 6

• МАНЗИЛИМИЗ:

100000,


Тошкент шаҳри,

Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукров.

Навбатчи — Б. Ғофуров.

Мусахҳих — Ш. Машраббоев.



Мундиалда нима гап?

БАШОРАТГА БЎЙСУНМАГАН НАТИЖАЛАР

Ана шундай кутилмаган тарзда ўтаётган Жаҳон кубоги мусобақасида нимчорак финал ўйинлари ўз нихоясига етди.

Чемпионатнинг плей-офф босқичи ҳам кутилмагандек янада қизиқарли баҳслар, аммо кутилмаган натижалар билан бошланди. Голларга бой бўлган дастлабки ўйинда Европанинг энг донгдор жамоаларидан бири — Франция термасига дуч келган Леонел Месси жамоадошлари 4:3 ҳисобидаги мағлубиятга рози бўлдилар. Шу куннинг иккинчи баҳсида навбатдаги футбол юлдузи Криштиано Роналду ҳам уйига равона бўлди: Эдисон Каванининг иккита аjoyиб голи эвазига галаба қозонган Уругвай Португалия терма жамоасини турнирдан чиқариб юборди.

Россия терма жамоаси эса Испанияга қарши ўтказилган баҳсда яна бир шов-шувли натижа қайд этди. Асосий ва қўшимча вақтларда 1:1 ҳисоби қайд этилиб, пенальтилар сериясида руслар дарвозабон кўрсатган ҳақиқий қаҳрамонлик эвазига кейинги босқичга йўл олдилар. Хорватия — Дания учрашувида эса пенальтилар сериясида омад хорватларга қулиб қолди.

Азалий рақиблар — Бразилия ва Мексика ўртасидаги ўйинда 5 қарра жаҳон чемпионати 2:0 ҳисобида галаба қозонган бўлса, қўшимчанинг сўнгги вакили — Япония терма жамоаси

Бельгияга қарши майдонга чиқди ва ушбу учрашув ҳам баҳс охиригача барчани экран қаршида ушлаб турди. Ўйиннинг 52-дақиқасига келиб иккита тўп киритган кунчиқар юрт вакиллари нафақат бельгиялик, балки бутун дунё футбол мухлисларини хайратга солди. Аммо тажриба барибир ўз сўзини айтди. Иккинчи бўлим ўрталарида Маруан Феллайни майдонга тушган, Бельгия жамоасининг ўйини тубдан ўзгарди ва улар ҳисобни тенглаштиришнинг уйдасидан чиқдилар. 94-дақиқада урилган Шадлининг голи эса мустаҳкам ирода намойиш қилган самурайларнинг умидларини пучга чиқарди.

Плей-офф босқичининг сўнгги қунида майдонга тушган Швеция ва Швейцария ўртасидаги баҳс Жаҳон чемпионатида саралаш ўйинларида Италия, Голландия, гуруҳ босқичида эса Германия терма жамоасидек грандларни турнирдан чиқариб юборган шведларнинг 1:0 ҳисобидаги галабаси билан тугади. Колумбия — Англия учрашувининг асосий вақтида ҳам, қўшимча вақтида ҳам голиб аниқланмади ва якунда, ўз тарихида илк бор Жаҳон чемпионатларида пенальтилар сериясида галаба қозонган инглизлар чорак финалга йўл олдилар.

РАҚАМЛАР ВА ҚИЗИҚАРЛИ ДАЛИЛЛАР

ТАРИХДА ИЛК БОР:

- ✓ **VAR (видеотакор)** ёрдамида пенальтидан гол урган жамоа Франция терма жамоаси бўлди;
- ✓ **8 та ўйинчи алмаштирилган** учрашув Испания — Россия ўртасидаги баҳс бўлди;
- ✓ **Fair Play (ҳалол ўйин)** қоидалари асосида гуруҳ босқичидан плей-оффга чиққан жамоа Япония бўлди;
- ✓ **Ака-укаларнинг алмашиши** Марокаш футболчиси Суфён ал-Работнинг Нуриддин ал-Работ ўрнига майдонга тушиши билан юз берди.

МУНДИАЛЬ РЕКОРДЛАРИ:

- чемпионатда қатнашаётган барча жамоа камиди 2 тадан гол урди;
- шу кунга қадар футболчилар 10 марта ўз дарвозасига тўп киритиб қўйдилар;
- 20 марта пенальти белгиланди;
- Мундиаль тарихида илк бор асосий вақтда 4:3 ҳисоби қайд этилди;
- Коста-Рика жамоаси дарвозасига 97-дақиқада тўп йўллаган Неймар турнир тарихидаги энг кеч урилган гол муаллифига айланди;
- 45 ёш 161 кунлик Миср дарвозабони Исом ал-Хадарий чемпионат тарихидаги энг ёши катта ўйинчи бўлди. 1996 йилда Хадарий илк бор терма жамоаси либосида майдонга тушган пайтда ҳозир ЖЧ — 2018 да қатнашаётган футболчиларнинг 54 нафари ҳали туғилмаган эди.

Ботир ҒОҒУРОВ тайёрлади.

ПРОФНАСТИЛ

ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ қуйдаги маҳсулотларни тақдим этади:

гальванизацияланган ва полимер қопламали

ПРОФИЛЛАНГАН ЛИСТ

гофраси баландлиги: С-18, С-35

Профнастил учун материал сифатида рулондан кесилган гальванизацияланган ва полимер маҳсулотдан фойдаланилади.

Россия Федерацияси металлургия комбинатларида ишлаб чиқарилган.

ГАЛЬВАНИЗАЦИЯЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ

• 0,4 мм. — 38 000 сўм/п.м. • 0,45 мм. — 42 500 сўм/п.м. • 0,7 мм. — 65 500 сўм/п.м.

ПОЛИМЕР ҚОПЛАМАЛИ ПРОФНАСТИЛ

• RAL 3005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м. • RAL 6005 0,45 мм. — 48 600 сўм/п.м.
• RAL 3005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м. • RAL 6005 0,50 мм. — 54 000 сўм/п.м.

Қўшимча маълумот олиш учун телефонлар: (+ 99890) 996-96-63, (+ 99899) 871-88-99.



Халқ сўзи

Народное слово

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вази́рлар Маҳма́саси